

Ушбу кунларда «Оила ёхуд вазоифи хонадорий» номида форсча ёзилгон 200 саҳифалик улуг бир китоб кўлимга тушди. Китобнинг муҳаррири диний, ижтимоий, ахлокий илмларда кенг маълумоти бўлгон муҳтарам биродарим Абдурауф Фитрат афандилигини англаб қамоли ихлос ва рағбат ила бошдан охиригача мутолаа этдим ва кўб мустафид бўлдим. Мен 12 йиддан бери турк-татар матбуотини таъкиб этуб, оила ҳусусида муфассал ёзилгон мундай бир китобга хануз тасодиф этмаган эдим.

Фитрат афанди ижтимоий ҳасталикларимизнинг энг аҳдликларини оилаларимиздан топмиш ва аларнинг иложини ҳам қамоли муваффақият ила очик суратда баён этмишдир. Китобда хотун олмокнинг шаръий тариқаси, эр ва хотуннинг вазифалари ва болаларнинг баданий, ахлокий ва фикрий тарбияси, етим ва хизматкорларнинг ҳуқуқи оят ва ҳадис ила муфассал суратда баён этилмишдур.

Ҳусусан, хотунларнинг ислом назарида ҳуқуқи, тааддуди завжот (кўб хотун олмок)нинг мушқиллиги ва ахлокий зарарлари, тааддуди завжот учун адолатнинг шартлиги ва бу шартнинг риояси нихоятда мушкул бўлуб, онинг учун адолат бўлмагонда бирдан ортук хотун олмокнинг шаръий дуруст эмаслиги, талокнинг қайси вақтда жоизлиги далиллари ила муфассал ёзилмишдур.

Ҳулоса: бир ислом оиласининг масъуд ва бахтиёрлиги учун ҳар нимаки лозим бўлса, барчаси ушбу китобда мубиндур. Китоб Боқуда «Мактаб» матбаасида босилмишдур.

Китобнинг устида ёзилгон баҳоси 2 сўм 5 тийин бўлуб, ноширининг адреси ушбудир: Эски Бухоро, китобхонаи ширкати «Маърифат», Мирзо Абдулахад Манзум.

Шуни ҳам ёзамизки, мазкур китобнинг уч қамчилиги бор:

1) Туркистон шева туркийсида ёзилмаганлиги.

2) Фихристсизлиги.

3) Охирида хато-савоб жадвали йўклиги. Туркистонда ёлгуз 2-3 юз минггина форсча биладургон мусулмонларнинг хотири учун китоб форсча тилда ёзилиб, аммо бир неча миллион Туркистон турклари риоя килинмай китобнинг туркча ёзилмаслигига сабаб на бўлса деб, ҳар кимнинг хотирига бир савол келур эди. Мана ушбу саволи мукаддарга муҳаррир афанди жавоб бермокчи бўлуб, китобнинг мукаддимасида баёни маъзурат этмишдур.

Рисолаларга, билхосса мундай улуг ва муҳим асарларга бир фихрист илова этмак ва бир хато-савоб жадвали кўшмок мутолаа хаваскорларига бир раҳнамолик вазифасини ифо этадур. Шунинг учун китобнинг муҳтарам фидокор ноширидан ўтинар эдикким, ҳозирда ҳам бўлса, бир фихрист ва бир хато-савоб жадвали тартиб этуб, китобнинг охирига илова этсалар эди.

*«Хуррият» газетаси, 1917 йил, 22 сентябрь*